

“Марказий Осиё-миллий кадриятлар бешиги”

(Маданий тадбирларнинг келиб чиқиши ва тараққий этиши Наврўз байрами мисолида)

Зухра Холикова

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик
тарихи давлат музейи илмий ишлар бўйича директор
ўринбосари, санъатшунос

Аннотация: Ушбу мақолада ватанимиз ҳудудларида маданий тадбирларнинг илк келиб чиқиши, тараққиёт босқичлари, динларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг бир-бирига таъсири, урф-одат ва анъаналарнинг миллий кадрият сифатида шаклланиши ва аجدодлардан-авлодларга ўтиб келиши ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари атрофлича таҳлил этилган. Шунингдек, бу борада олиб борилаётган давлат сиёсати, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, Янги Ўзбекистонда ўтказилаётган Наврўз байрами мисолида маданий тадбирларнинг ҳаётимиздаги муҳим аҳамияти ҳақида батафсил ёритилди.

Калит сўзлар: Қабила, уруғ, жамоа, фетишистик, тотемистик, анимистик, политеистик, магик, “ёмғир тилаш”, “шамол чақириш”, “қуёшга сиғиниш”, “қурбонлик қилиш”, Наврўз, Меҳржон, Сада, Ангом, “Аркон-ад-дин”, ислом, зардуштийлик, дуалистик қарашлар ва ҳоказо.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва бебаҳо миллий кадриятлари, анъана ва удумлари, моддий ва номоддий маданий мероси ҳукуматимиз ва президентимиз ҳамда зиёлилар томонидан қайта тикланиб, келажак авлодларга етказиб берилаётганлиги ҳаммамизга маълум.

Тарихан қисқа вақт ичида эришилган улкан ютуқ ва натижалар, Ватанимиз, халқимиз шуҳратини, бой тарихимиз, бебаҳо миллий кадрият ва анъаналаримиз, қудратли маънавий ва иқтисодий салоҳиятимизни бутун жаҳонга тараннум этмоқда.

“Бугун жамиятимизда инсон кадри юксалиб, бебаҳо бойлигимиз, еримиз, сувимиз ва табиатимизга, шу борадаги неча минг йиллик анъаналаримизга эътибор кучайиб бораётган Янги Ўзбекистон шароитида бу байрамнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда” дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2024 йил, 4 мартдаги “2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-113-сонли қарорида.

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз ва муҳтарам юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилаётган барча ислохатлар инсон манфаатлари учундир. Бугунги кунда сиёсат, илм-фан, маданият, санъат ва дин соҳасида дунёни ларзага солаётган ушбу диёр ва унинг бунёдкор халқи дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш каби буюк мақсадларни амалга оширмоқда.

Манбаларда келтирилишича, анъаналар ва миллий қадриятларнинг келиб чиқиши жуда узоқ қадимга, яъни ибтидоий даврга бориб тақалади. Ижтимоий тараққиёт давомида одамларнинг яшаш учун кураши, онгли меҳнат қилиши жараёнида тажриба ва кўникмаларнинг ортиши, кишиларнинг моддий-маънавий эҳтиёжларининг кундан-кунга ортиб бориши, уларнинг табиат сирларини англаш жараёнида турли тушунча, тасаввур ва эътиқодларини пайдо бўлиши, меҳнат тақсимооти натижасида турли меҳнат соҳаларини тараққий этиши одамлар, қабилалар, уруғ ва жамоалар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириши инсоний анъаналарнинг вужудга келишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Қадимдан ибтидоий одамларни ҳаёт, табиат сирларини тушунишга интилишлари натижасида, уларнинг онгида турли тасаввурлар, жумладан фетишистик, тотемистик, анимистик, политеистик ва магик эътиқодлар пайдо бўла бошлаган. Қадимий одамларнинг тушунчалари одат ва маросимларида (чунончи “ёмғир тилаш”, “шамол чақириш”, қуёшга сиғиниш”, “қурбонлик қилиш” каби маросимларда) ўз аксини топиб, улар Марказий Осиё халқлари маданияти ва маънавиятининг шаклланишига улкан ҳисса қўшган.

Бу халқлар анъаналарининг шаклланишида зардуштийларнинг дуалистик қарашлари алоҳида ажралиб турган. Уларнинг табиат, турмуш ва меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлган анъана, маросим ва байрамлар тизими (Наврўз, Меҳржон, Сада, Ангом кабилар)да яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, иссиқлик ва совуқлик, ўлим ва ҳаёт ўртасидаги зиддиятлар акс этиб, бу давр одатларида эзгулик, меҳрибонлик, мурувватлилик, қадр-қиммат, инсонийлик каби маънавий-инсоний фазилатлар қадрлана бошланган.

Аждодларимиз эътиқодлари асосида вужудга келган зардуштийлик дини тарихда қолди. Бироқ, бу динга хос кўпгина одатлар, байрамлар, расм-русумлар бизнинг кунларимизгача ҳам сақланиб қолган. Албатта улар ичида энг каттаси “Наврўз” байрамидир. Шу билан бирга касалликнинг олдини олиш ёки ундан сақланиш учун исирик тутатиш, турли маросимларда шам ёқиш, тўйларда гулхан атрофида айланиш, ўт атрофида кечки базмлар уюштириш, чавандозларнинг катта гулхан алангаси устидан сакраш ўйинлари, баъзи беморларнинг шифо топиш мақсадида гулхан устидан ҳатлаб ўтишлари, чақалоқни олов устидан ўтказиб олиш, муқаддас дарахтлар шохига турли латталардан “алам” боғлаш каби удумларни ҳозир ҳам учратиш мумкин. Қуёшни озодалик билан кутиб олиш, тонгда туриб ҳовлини тозалаш, уйни супуриш, ювуниш, ўчоққа олов ёқиш, олов ёрдамида озиқ-овқатларни зарарсизлантириш, турли гиёҳларни тутатиш кабилар ҳам зардуштийлардан ўтиб келаётган одатлардир.

Марказий Осиёга VIII асрдан бошлаб, ислом дини билан бирга мусулмон одатлари, жумладан ислом дини асослари-“Акон-ад-дин” беш амалий ва маросимчилик руқун-талаблари, диний байрам ва маросимлар; “Рамазон ҳайити”, “Қурбон ҳайити”, “Мавлуд”, “Меърож”, “Ашуро”, “Лайлат ул-қадр” кабилар жорий қилиниб, уларнинг асосий мақсади Муҳаммад пайғамбар ва ислом динини улуғлаш бўлса-да, уларнинг тағ-заминида инсонийлик, олийжаноблик, сахийлик, раҳмдиллик, меҳр-мурувватлилик каби ғоялар тарғиб қилинган. Исломгача мавжуд бўлган одатларнинг муайян қисми ислом одатларига чатишиб кетади ва улар ҳам одамлар ўртасида меҳр-оқибат, иззат-хурмат, қадр-қиммат, мурувват, оқибат каби

инсонийлик фазилатларини равнақ топишида хизмат қилган. Ўрта асрларда айниқса, IX-XII асрлар ва XIV-XV асрларда байрам-маросимлар жуда катта тантаналар билан нишонланган. Бу даврда диний байрамлар халқ ҳаётидан ўз ўрнини топди. Ана шу байрамларни ташкил қилиш учун “Намозгоҳ”, “Ийдгоҳ”, “Мусалла-ийд” каби шаҳардан ташқари масканлар барпо этилган. Кейинчалик бундай байрамларнинг ўтказилишига қарши курашлар бошланган ва давлатчилик ривожланиши натижасида бу байрамлар ўрнини ҳукумдорлар ҳаёти ва уларнинг авлод-аждодлари билан боғлиқ маросимлар ва давлат миқёсидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар-байрамларни ўтказиш авж олган.

Амир Темур ва темурийлар даврида ўлкамизда маданият равнақ топиб, байрам ва маросимлар кенг ривожланган. XVI-XIX асрларда эса урушлар натижасида хонлик ва бекликларга бўлиниш байрам ва маросимлар ўтказилишига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Ўлкада Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари юзага келиши натижасида, бу ҳудудларда ўтказиладиган байрамларда айрим ўзига хосликлар пайдо бўлган бўлса-да, байрамларга хос умумий жиҳатлар сақланиб қолаверган. Амир ва хонлар халқ ўртасида ўз обрўйини кўрсатиш мақсадида байрамларга алоҳида эътибор бериб, ўз манфаатларига мос келувчи ғояларни байрам томошаларига сингдиришга ҳаракат қилишган. Айни шу даврларда ўлканинг зиёлилари, санъаткорлари, жадид ва шоирлари халқ байрамларини кенг тарғиб қилганликлари туфайли халқимизнинг гўзал байрамлари сақланиб қолган ва янгила тус олган.

XIX аср охири - XX аср бошларида “Чор Россия”си ўз сиёсати билан бирга, бу ерга ўз маданиятини ҳам олиб киришга интилди. “Совет ҳокимияти” даврида барча миллат кишиларини ягона “совет халқи”га айлантириш мақсадида миллий онг, халқ анъаналари, маънавий қадриятларга қарши норасмий кураш олиб борилди. Натижада, ўзбек халқ анъанавий маданияти ҳам ўз “томирлари”дан узилиб қолди. Халқ анъаналарини таъқиблаш, “тўлқинлари” вақти-вақти билан кучайиб турарди. Унинг биринчи “тўлқини” октябр тўнтариши натижасида шўролар ҳокимият теппасига чиққанидан сўнг: 1920-йилларда, иккинчи қатағон

даври; 1930-йиллар ўрталарида, учинчиси иккинчи жаҳон урушидан сўнг: 1950-йилларда, тўртинчиси “соввуқ уруш” даври; 1970-йилларда, бешинчиси, Мустақиллик арафаси: 1980-йиллар охирида содир бўлди. Халқнинг анъанавий байрамлари расмий давлат байрамлари қаторига киритилмай, таъқиқланди. Шўролар даврида “жонли газета”, “оғзаки журнал”, “агит томоша”, “театрлаштирилган-карнавал”, “агит-суд” , “оммавий томоша”, “агитбригада чиқишлари”, “митинг-концерт” каби тадбирлар машҳур бўлиб, фақатгина шўролар ҳукумати манфаатларига хизмат қилган.

Мустақиллик туфайли ўзбек байрамлари тарихида янги саҳифа очилди. Бу даврда миллий анъаналарни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, халқимизнинг тарихий мероси бўлган анъаналар: “Наврўз”байрами, “Рамазон ҳайити”, “Қурбон ҳайити кабилар расман тикланди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг янги байрамлари: “Мустақиллик куни”, “Конституция куни”, “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни”, “Хотира ва қадрлаш куни” каби байрамлар ҳам жорий этилди. “Янги йил” ва “Хотин-қизлар куни” каби байрамлар сақланиб қолинди. Шунингдек, истиқлол йилларида муҳим саналар, жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган аجدодларимиз таваллудлари кунларини нишонлаш, халқаро анжуманлар ва тарихий шаҳарларимизнинг юбилейлари ҳам халқимизнинг байрамларига айланиб қолди. (“Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз ва тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз” И.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асари.) Бундай байрамларнинг ЮНЕСКО билан ҳамкорликда нишонланиши эса алоҳида аҳамиятга эга воқеадир.

Истиқлол туфайли халқимизнинг маънавий қадриятлари жаҳон миқёсида эътироф этила бошланди. Ўзбек мусиқаси, театри, киноси, тасвирий ва амалий санъати бугунги кунда ҳам жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида. Юртимизда фестиваллар, кўргазма ва кўрик-танловларнинг ўтказилиши, ўзбек маданиятига бағишланган халқаро анжуманлар халқимизнинг бадиий меросини ва замонавий ютуқларини юртимизда ва хорижда кенг тарғиб қилиш анъанага айланиб қолган.

Манбаларда келтирилишича, Мустақиллик ва Наврўз байрамларини ташкил қилиш борасида тажрибаларимиздан қўшни мамлакатларда ҳам фойдаланишар экан, бу ўзбек халқи учун жуда қувонарли ҳол.

Айниқса, кейинги йилларда маданий меросимиз ҳисобланмиш қадимий обидаларнинг кенг қўламда тикланиши, таъмирланиши, бир қанча тарихий шаҳарларимиз ҳудудларида янги-янги меъморий ёдгорликларнинг бунёд этилиши, кўплаб зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларнинг барпо этилиши, жадидларимизнинг хотираларини абадийлаштирилиши, ёзувчи ва шоирларимизга эҳтиром сифатида очиқ осмон остидаги “Адиблар хиёбони” каби боғ ва паркларнинг барпо этилиши, бир қанча янги музейлар ва уй музейларининг ташкил этилиши шунингдек, халқаро “Бахшичилик фестивали”, халқаро “Мақом фестивали”, халқаро “Лазги фестивали (бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин) каби миллий қадриятларимизнинг тикланиши юртдошларимизни ҳам мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий меҳмонларни ҳам ниҳоятда қувонтирмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, илдизлари узоқ қадимга бориб тақалган буюк халқимиз, унинг ўтмиши, урф-одат ва анъаналари ҳамда миллий қадриятлари бугунги кунда ҳамдўстлик давлатларининг ҳам диққат-эътиборини тортмоқда, ҳайратини оширмоқда. Бу йилги Наврўз байрамини муқаддас Рамазон ойига тўғри келишида ҳам қандайдир бир илоҳий рамзийлик бор назаримда.

Юртимизга хуш келдинг – Наврўз !

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Мирзиёев. “2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-113-сонли қарори. Тошкент шаҳри. 2024 йил 4 март.
2. И.Каримов. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” Тошкент, 1998
3. У.Қорабоев “Маданий тадбирлар” Тошкент, 2003.
4. Lex.uz
<https://lex.uz> > Doks.